

## VII. КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотига кўра, 2019 йилнинг январь-март ойларида 195 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда - объектлар) хусусийлаштирилди.

### Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари (2019 йил январь-март ҳолатига)

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар	
	бирлик	жамига нисбатан фоизда	млн. сўм	жамига нисбатан фоизда
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>195</b>	<b>100,0</b>	<b>55 946,7</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғист Республикаси	3	1,5	1 172,3	2,1
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	61	31,3	1 851,7	3,3
Бухоро	16	8,2	2 802,8	5,0
Жиззах	12	6,2	611,2	1,1
Қашқадарё	13	6,7	1 196,1	2,1
Навоий	7	3,6	792,2	1,4
Наманган	13	6,7	733,4	1,3
Самарқанд	-	-	2 577,0	4,6
Сурхондарё	16	8,2	713,3	1,3
Сирдарё	7	3,6	694,8	1,3
Тошкент	27	13,8	4 635,6	8,3
Фарғона	16	8,2	5 547,5	9,9
Хоразм	3	1,5	1 289,5	2,3
Тошкент ш.	1	0,5	21 083,7	37,7
Агентлик МА	-	-	10 245,7	18,3

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Андижон вилоятида – 61 та (жами республика бўйича хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг 31,3%), Тошкент вилоятида 27 та (13,8 %), Бухоро вилоятида – 16 та (8,2 %), Сурхондарё вилоятида – 16 та (8,2 %), Фарғона вилоятида – 16 та (8,2 %), Қашқадарё вилоятида 13 та (6,7 %) ни ташкил этди.


**2019 йилнинг январь-мартда вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби**  
(жамига нисбатан %да)



Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 125 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 64,1 %), Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 38 та объект (19,5 %), Молия вазирлиги – 14 та объект (7,2 %), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги – 6 та объект (3,1 %), Халқ таълими вазирлиги – 3 та объект (1,5 %) тўғри келади.

2019 йилнинг январь-мартда давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар 55,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

**2019 йилнинг январь-мартда республика ҳудудлари кесимида  
давлат мулкни сотишдан тушган тушумлар таркиби  
(жамига нисбатан % да)**



Ҳудудлар кесимида давлат мулкни сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 37,7%), Агентлик МА (18,3%), Фарғона (9,9%), Тошкент (8,3%), Бухоро (5,0%) ва Самарқанд (4,6%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Давлат нотузаржой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида 2019 йилда объектларни ижарага бериш бўйича 16,7 мингдан ортиқ ижара шартномалари тузилди. Бунинг натижасида 2,6 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Давлат мулкни ижарага беришдан тушган тушумлари жами 36,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида давлат мулкни ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 58,2%), Тошкент (6,7%), Хоразм (4,5%), Андижон (4,2%) ва Самарқанд (3,5%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.